O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 4-sentabr • Shanba • 106 (31.226) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Канада халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига самимий табриклар ва энг эзгу тилаклар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Ушбу йил Канада билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар янги ривожланиш поғонасига кўтарилгани билан тарихга киради. Сўнгги вақтларда мамлакатларимиз ўртасида юксак мақомдаги делегациялар ташрифлари кўпайгани ҳамда кўп томонлама форумлар доирасидаги яқин ҳамкорлигимиз фаоллашгани икки томонлама алоқаларимиз ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Келажакка яхши умидлар билан боқиб, ишонч билан айта оламанки, ўзаро муносабатларимиз келаси йил янада ривожланади.

Эҳтиром ила,

Мишель ЖАН,
Канада Генерал-губернатори

❖ ❖ ❖

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этишга ҳамда мамлакатингизга янада изчил равнақ ва тараққиёт тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни ишонч билан таъкидлайманки, Словения Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик руҳида кенгайиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Данило ТЮРК,
Словения Республикаси Президенти

❖ ❖ ❖

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни йўллаш менга улкан шараф ва мамнуният бахш этади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистоннинг биродар халқига фаровонлик ва равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Муҳаммад Ҳусний МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти

Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!

АНДИЖОН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФУТБОЛ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

ОСИЁДА ЯГОНА ҲИСОБЛАНАДИ

2 сентябрь куни Президентимиз қарори билан ташкил этилган, ўзбек футболи ривожи йўлида катта қадам бўлган Андижон шаҳридаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ягона бўлган бу спорт масканининг фаолият бошлаши ҳақиқий футбол байрамига айланиб кетди.

Унда Андижон вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов, Ўзбекистон футбол федерациясининг президенти Мираброр Усмонов, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Абдулла Ачилов, ЎФФ бош котиби Сардор Раҳматуллаев, профессионал футбол лигаси директори Фарҳод Магометов, «Бунёдкор» жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси сардори Баҳодир Аҳмедов ва жамоатчилик вакиллари, ота-оналар иштирок этишди.

Байрам қатнашчиларининг қарсаклари остида Мираброр Усмонов мактаб-интернатга Президентимиз совғаси — Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган янги автобус калитини, шу билан бирга, ёш футболчиларга аталган махсус совғаларни топширди. Шундан сўнг, пойтахтдан ташриф буюрган «Пахтакор» ёшлар футбол жамоаси билан Андижон ёшлар жамоаси ўртоқлик учрашуви ўтказиш учун майдонга тушишди. Бу ўйин якунига етгач, икки жамоадан ҳам энг яхши ўйинчилар аниқланди ва уларга меҳмонлар дасхати туширилган тўпларни Миржалол Қосимов топширди.

Ўзбек футболи тарихида янги саҳифа очган бу кунни болалар ҳеч қачон унутишмайди...

➔4

Мустақиллик халқимиз учун янги-янги имкониятлар яратди ➔2

Тахминан 400 йилдан кейин... ➔3

Янги икки қаватли талабалар турар-жойи ➔4

1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши тахминан 3,5 карра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 2,5 баробар ошган, ўртача ойлик иш ҳақи эса шу йилнинг охиригача қарийб 500 АҚШ долларини ташкил қилиб, тахминан 14 каррага кўпаяди».

Келажакка умид ва ишонч

Истиқлол имкониятлари

■ Мўйноқ тумани 1931 йил 19 сентябрда ташкил топган. Майдони 37,94 минг км². Аҳолиси 28,8 минг киши.

Юртимизнинг олис гўшаларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани ҳақида сўз кетса, Орол фожиаси ва у келтириб чиқарган экологик муаммолар хаёлга келади. Бироқ бугун Мўйноқ қалъасида бўлган киши матонатли халқимизнинг курашлари туфайли қад ростлаган замонавий уй-жойлар, равон йўллар ва хушманзара боғларни кўриб, ҳайратга тушади.

(Давоми 3-бетда)

Муносабат

■ Президентимизнинг Мустақилликнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзини ҳаяжон билан тингладим. Бутун умри матбуот соҳаси билан боғлиқ бир журналист сифатида шуни биламанки, Юртбошимиз ҳар бир чиқишида ҳаёт илгари сурган долзарб масалани ўртага ташлайди.

ВАТАН ТАҚДИРИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ муҳим вазифа ва долзарб йўналишларга алоҳида эътибор қаратади.

Давлатимиз раҳбари **«Бизнинг энг эзгу мақсад-муддаомиз — дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига киришдан иборатдир»** дея яна бир бор таъкидлади. Шу билан бирга, бу қутлуғ ниятга эришишнинг икки ечимини ҳам очиқ-ойдин кўрсатиб берди.

Шу ўринда вилоят Кенгаши депутати сифатида у киши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида депутат обрўсини мамлакат обрўсига тенглаштиргани хаёлимдан ўтди. Чиндан ҳам, фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва эркинлаштиришни давом эттириш, энг аввало, мавжуд сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига боғлиқ. Демак, юқорида олдимизга қўйилаётган икки долзарб вазифа: иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий тизимни демократик янгилашда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ташаббусни ўз қўлларига олишлари керак.

Энг муҳими, бугун депутат онги, шуури ва дунёқарашидаги ўзгаришлардир.

Юртбошимиз табрик сўзида айтганидек, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси **бу гўзал ва бетакрор юрт — мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кечираётган қувонч ва ташвишлари — менинг қувонч ва ташвишларим, деб шундай ҳиссиёт билан яшашни талаб қилади.** Бунда, энг аввало, депутатлар намуна кўрсатиши керак, деб ўйлайман. Ана шунда муқаддас Ватанимизнинг кўрку таровати, файзу салоҳияти кундан-кунга ортади.

Биз ўтган 19 йил давомида ҳақиқатдан ҳам ўта мураккаб ҳаёт ва кураш йўлини босиб ўтдик. Халқни халқ, миллатни миллат, мамлакатни мамлакат қиладиган ишларни амалга оширдик. Эндиликда шуни холис баҳолаб, ундан тўғри хулоса чиқариб, вазминлик билан олға интилишимиз, она юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишимиз керак. Аслида эртанги ҳаётимиз қандай бўлишини белгилайдиган мезон шу!

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ,
халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари.

2-бет ≫

ОБ-ҲАВО 04-05.09. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	37°C	38°C
Самарқанд	38°C	38°C
Нукус	40°C	40°C
Қарши	39°C	40°C
Урганч	39°C	40°C
Навоий	39°C	40°C
Фарғона	38°C	39°C
Бухоро	40°C	41°C
Андижон	38°C	39°C
Наманган	38°C	39°C
Термиз	40°C	40°C
Жиззах	38°C	39°C
Гулистон	38°C	39°C
Тошкент вил.	38°C	39°C
Лондон	21°C	22°C
Париж	24°C	25°C
Москва	12°C	15°C
Мадрид	31°C	32°C
Пекин	31°C	31°C
Гонгконг	32°C	33°C
Рим	26°C	27°C
Анқара	30°C	31°C
Токио	37°C	35°C
Стокгольм	14°C	17°C
Кейптаун	18°C	18°C
Қоҳира	36°C	37°C
Гавана	31°C	34°C
Вашингтон	24°C	24°C

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 31 АВГУСТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1451,10	1 Миср фунти	283,07	1 СДР	2439,30	10 Жанубий Корея вони	13,51
1 Англия фунт стерлинги	2521,83	1 Канада доллари	1536,44	1 Туркия лираси	1064,76	10 Япония иенаси	189,52
1 БАА дирҳами	439,63	1 Хитой юани	237,51	1 Швейцария франки	1571,13	1 Россия рубли	52,59
1 АҚШ доллари	1614,49	1 Малайзия рингити	514,45	1 Евро	2063,00	1 Украина гривнаси	204,62

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

МУСТАҚИЛЛИК ХАЛҚИМИЗ УЧУН ЯНГИ-ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТДИ

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

■ Бу йилги Ўзбекистон Қаҳрамонлари орасида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти, ЎзХДП аъзоси Юсуп Зияев ҳам бор.

Юксак эътироф — катта масъулият



— «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиорини ҳаётдаги акс-садосини кўраяпмиз, — дейди 166-йўл машина станцияси раҳбари Ўктам Турсоатов. — Мамлакатимиз темир йўл тизимида улкан бунёдкорлик, мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Бунда жамоамизнинг, хусусан, 31 йилдан буён шу ерда меҳнат қилиб келаётган Юсуп Зияевнинг жуда катта ҳиссаси бор.

У тажрибали машинист сифатида 1999-2001 йилларда «Навоий — Учқудуқ — Нукус» темир йўл қурилишида фидойилик кўрсатиб, 29 километрдаги темир йўл бунёд этилишида фаол иштирок этганди. 2002 йилдаги «Тошкент — Самарқанд» темир йўлида ҳам қаҳрамонимизнинг заҳматли меҳнатлари ётибди. Президентимиз ташаббуси билан фойдаланишга топширилган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг «Шўроб — Бойсун» йўналишидаги 30 ҳамда «Бойсун — Қумқўрғон» минтақасидаги 60 километр темир йўлни мослаш ва ётқизиш Юсуп Зияевнинг зиммасига юклатилган эди. У барча юмушларни муддатидан олдин сифатли қилиб бажарди.

Жамоада устоз-шогирд анъанаси мунтазам давом этмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Қаҳрамонининг уч нафар шогирди Афғонистон Республикасидаги «Хайратон — Мозори Шариф» темир йўли қурилишида машинист бўлиб хизмат қилмоқда.

— Етти нафар фарзандимиз бор, — дейди оила бекаси Зиёда Зияева. — Турмуш ўртоғим болалар тарбиясига алоҳида эътибор беради. Ўғлимиз Шерзоджон ота изидан бориб, темир йўл соҳасини танлаганди. Кеча у Афғонистондан қўнғироқ қилиб, юксак унвон ва Мустақиллик байрами билан барчамизни табриклади...

— Айни пайтда туманда партиямизнинг 3 минг нафардан ортиқ аъзоси бор — дейди ЎзХДП Денов туман кенгаши раиси Абдуолим Бўриев. — Юсуп Зияев нафақат ўз соҳаси, балки партиявий тадбирларда ҳам фаол иштирок этади. У кишининг билдирган фикрлари бошланғич ташкилотларда ишни жонлантириш, уларни мустаҳкамлаш ва ташаббускорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

«Дунётепа»лик қаҳрамон ана шундай юртпарвар ва элпарвар инсон. Президентимизнинг Фармони нафақат унинг оиласи, яқинлари, дўстлари, балки бутун Сурхон элини, темир йўл тизими ходимларини тўлқинлантириб юборди. Биз эса қувончли дамларда у кишидан фикрларини сўрадик.

— Оддий бир меҳнаткашнинг камтарона хизмати Юртбошимиз томонидан шунчалик юксак баҳоланишини кутмаган эдим, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Юсуп Зияев. — Айни пайтда мамлакатимизда инсон қадри, инсон меҳнати нақадар улуғланаётганини яна бир бор ҳис этиб турибман. Юксак эътибор эса зиммамга янада улкан вазифалар юклайди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Мен юртимнинг бахтли аёлиман»

■ — Қалбим ҳаяжонга тўла, — дейди ЎзХДП фаоли Патилахон Эргашева. — Оддий бир қишлоқ аёли меҳнати қадр топиши нафақат мени, балки бутун Фарғона аҳлининг кўнглини тоғдек юксалтирди. Юртбошимиз вилоятга ташриф буюрганида у киши билан учрашиш бахтига муяссар бўлдим.

— Ўшанда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, деҳқончиликда юқори ҳосил олиш учун илм-фан янгиликларини жорий этиш, меҳнат аҳлини эъзозлаш ҳақида айтган қимматли фикрлари ҳамон эсимда.

Деҳқончилик менга ота мерос. Раҳматли падари бузрукворим ҳам, онам ҳам умр бўйи деҳқончилик қилишган. Мен эса улар ёнида юриб, деҳқончилик илмидан сабоқ олганман, пахтачилик сирларини ўрганганман. 30 йилдан бери ҳаётим дала билан боғлиқ.

Бизнинг хўжалигимизда 69 гектар ер майдони бор. Муттасил пахта ва ғалланинг янги навларини синаб кўряпмиз. Натижа шуки, жорий йилнинг ўзида ғалла етиштириш шартномасини ортиғи билан бажариб, хўжалик аъзоларига 40 тонна буғдой улашдик. 43 гектарга пахта экканмиз. Кўчатларимиз бақувват. Айниқса, август ойида ҳосилга ҳосил қўшилди. Ҳозир кўсаклар қийғос очилмоқда. Чамалаб кўрдик, насиб этса, ҳосилдорлик 45 центнердан кам бўлмайди.

— Деҳқончиликда илғор тажрибаларни қўллаш билан бирга, партиявий тадбирларнинг ҳам ташаббускорларидан бирисиз.

— ЎзХДП аъзосиман. Партиямиз ғояларини юксак қадрлайман. Ўз имкониятларим доирасида дастурий вазифаларни амалга оширишга ҳисса қўшаман. Фермерлик туфайли мулкдор бўлдим. Уй-жой қурдим, тўй қилдим. Машина олдим. Бир нима орттирсак, маҳалла-кўй, қишлоқдаги эҳтиёжманд оилалар билан баҳам кўрамиз. Мактаб ва боғчалар доим эътиборимизда. ЎзХДП Бувайда туман кенгаши кучли партия ташкилотига айланган. Бошланғич партия ташкилоти раиси Абдужаббор Маҳмудов билан бирга дала шийпонимизда маънавий-маърифий учрашув ва тадбирлар ўтказиб турамиз. Мен бу партияни ғоялари халқчил, дастури ҳаётий экани учун танлаганман.

— Юксак унвон — ишонч ва масъулият дегани, шундай эмасми?

— Тўғри айтдингиз. Фармонни ўқидиму кучимга-куч қўшилди.

Аввалгидан ҳам астойдил ишлаш, янада фаол бўлишга ҳаракат қиламан. Чунки атрофимда элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳамқишлоқларим бор. Улар доим менга тоғдек таянч бўлган. Нима қилсак, аввало ўзимиз учун, фарзандларимиз учун, уларнинг бахт-саодати учун қиламиз.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муносабат

■ Ватанимиз озодлигининг ўн тўққиз йиллиги тантаналарида давлатимиз раҳбари айтган сўзлар босиб ўтилган ҳаёт йўлига қайрилиб қараб, кўп ҳақиқатларни қайта идрок этишга ундайди.

Яна бир ДОВОН...

Ҳақиқатан ҳам, **«Биз бу йўлда ҳар қандай мураккаб ва таҳликали синовлар, тўсиқ ва ғовлардан ўтиб, ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, қанчалик қийин бўлмасин, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик, эзгу мақсадларимизга етиш учун қатъият ва матонат билан қадам қўйдик».**

Ўтган йиллар курашларга бой бўлиб қолмай, том маънода қуриш ва яратиш даври бўлди. Халқимиз ўзининг тенгсиз ва олижаноб фазилатларини намоён этган оғир ва мураккаб бу даврда кўпдан-кўп замонавий иншоотлар, қўшма корхоналар, автомагистраллар ва темир йўллар, таълим ва тиббиёт муассасалари, муаззам кўприклар ва намунавий лойиҳа асосидаги кўркам қишлоқлар бунёд этилди. Қадимий шаҳарларимиз қайта таъмирланиб, қанча азиз жойлар обод зиёратгоҳларга айлантирилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизга файзу тароват олиб кирди. Турмушимизга қут-барака инди. Янги давр ўз фидойиларини рўёбга чиқарди. Янгича дунёқараш шаклланди. Давлатимиз раҳбари бу марралар халқимизнинг кундалик машаққатли ва ўта оғир меҳнати эвазига қўлга киритилганини алоҳида таъкидлади.

Ўтиш даври синовлари ҳар биримизнинг ёдимизда. Қарама-қаршиликлар, қонли хуружлар кўз очирмаса-да, биз келажакка интилдик, фарзандларимиз учун замонавий лицей ва коллежлар барпо этдик, таълим тизимини дунёдаги энг оқилона тажрибаларга мувофиқлаштирдик. Бугун эса бу ўз самарасини бермоқда.

2009 йили В.Успенский номли мусиқа академик лицейининг 50 нафар ўқувчиси нуфузли халқаро танловларда мутлақ ғолиб бўлгани бунинг бир мисолидир. Юзлаб ўғил-қизларимиз спорт бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатларида шоҳсупага кўтарилмоқда. Бугун қайси соҳага қараманг, мана шундай оловқалб ёшлар элим, юртим шарафи деб отилиб чиқаётгани кўнгилга қувонч бағишлайди.

Агар биз дунё ҳаётига назар ташласак, уруш алангаси айрим ўлкаларни қовжиратиб ташлаганини, кўпдан-кўп мамлакат турли табиий офатлар чангалида қолганини, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози яна кўп давлатларнинг тинкасини қуритганини кўрамиз. Бундай хавотирли жараёнлар ҳар биримизни огоҳ ва ҳушёр бўлишга ундайди. Мана шундай вазиятда янада жипс ва ҳамжиҳат бўлиб, кўнгил ва юрт ободлиги йўлидаги қутлуғ ишларни давом эттириш, мамлакатимизни боғу бўстонга айлантириш, улуғ аждодларимизга муносиб ворис бўладиган ўткир зеҳнли ўғил-қизларни тарбиялаб вояга етказиш вазифамиздир.

Ўразбой АБДУРАҲМОНОВ,
Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари,
Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси,
ЎзХДП фаоли.

Истиқлолни қадрламоқ, авайлаб-асрамоқ бурчимиздир

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

■ Бугун шундай самимий сўзлар ҳар бир даврада янграяпти. Ҳаммамиз энг улуғ, энг азиз Мустақиллик байрами қувончи ва ҳаяжони билан яшаяпмиз. Шу кунларда қайси даврада бўлманг, ҳамюртларимизнинг мустақиллик неъматлари ҳақида тўлиб-тошиб, ифтихор билан айтган дил сўзларини эшитасиз.

Собиржон ДАДАЖОНОВ,
«Фарғона автотрансхизмат» МЧЖ ҳайдовчиси:

— Автомобиль рулини бошқараётганимга 30 йилдан ошди. Ўтган йилларда неча юз минглаб километр йўл юрдим. Мен хушомад қилишни билмайман. Лекин шу кунларда икки нарсадан қувончим ичимга сиғмаяпти. Биринчиси, куни кеча қўлимга Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилган яп-янги «Исузу» автобуси калитини тутишди. Шаҳар ичидаги йўналишда қатнайман. Менку мен, йўловчиларнинг хурсандлигини айтмайсизми. Юмшоқ, қулай автобусда манзилларига бир зумда етадилар, тушиб кетаётиб менга раҳмат деб ҳам қўядилар. Аслида улар қатори мен ҳам шундай автобуслар ишлаб чиқариб, улардан бирини менга ишониб топширгани учун раҳматни аввало Юртбошимизга, ҳукуматимизга айтмоқчиман. Илгари бошқариш анча мураккаб, қўпол, бунинг устига ёнилғини кўп сарф қиладиган автобус ҳайдардим. Тез-тез бузилганидан қўлимдан ёғлатта тушмасди, хотиним уст-бошимни ҳар кун юварди.

Айтмоқчи бўлган иккинчи гапим шуки, юртимизда равон йўллар бунёд қилинди. Кенг, икки ёқлама, хавфсиз, текис... Ахир, илгари бундай эмасди-ку! Ўйлаб қарасам, Мустақиллик оддий бир ҳайдовчига шунча шароит яратиб берибди-я.

Топволди ХОЛДОРОВ,
вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси:

— Ҳеч ёдимдан чиқмайди, қишлоқдаги уйимизни қурганимизда ойлаб лой кечганмиз. Гувала ва хом ғишт қуйиб, уй тиклагандик. Пишиқ ғишт аҳолига сотилмас эди, ахир. Энди қаранг, қишлоқларда бир-биридан гўзал уйлар қурилиб, янги-янги маҳалла, даҳалар пайдо бўлмоқда. Ҳамма қулайлиги бор. Пишиқ ғиштдан пухта қилиб қурилган. Худо ўзимизга ҳам умр берсин-у, набира, чевара, эвараларга бобосидан мерос бўлиб қоладиган уйлар бўлди.

Замонани қаранг, энди. Шундай мустаҳкам ва кўркам уйларни давлатнинг ўзи қуриб бериб, яна пулини 15 йил ичида тўлайсиз, деса-я! Буларнинг ҳаммаси Мустақиллик шарофати эканини фарзандларимга такрор-такрор тушунтираман.

Шаробиддин ХОЛИҚОВ,
олий тоифали шифокор:

— Қўлимга беморнинг касаллик ҳақидаги компьютер томограф хулосаларини олар эканман, бундан 20-25 йил чамаси илгари рўй берган бир воқеа эсимга тушди. Қариндошларимдан бири оғир хасталаниб қолди. Шифохонага олиб борганимизда врач беморнинг билагини ушлаб кўриб, қўл томири уришига қараб ташхис қўйди. Узоқ даволадилар. Ташхис, дори-дармонлар гуруҳи бир неча бор ўзгартирилди. Бундоқ ўйласам, ўшанда бугунгидек тиббиёт техник воситалари йўқлигидан шундай бўлган экан. Ҳозир қаранг, буйрак тоши, ошқозон ичак ярасини танага тиғ тегизмай олиб ташлаяпмиз. Лапоскопик асбобларнинг қорин бўшлиғидаги микромиллиметргача ҳаракатини экранда кўриб турамиз. Илгари фақат Москва, Новосибирскдагина қилиниши мумкин бўлган юрак операциялари энди ўзимизнинг ҳар бир вилоятда амалга ошириляпти.

Фарғонада бундан бир неча йил аввал фалокат туфайли танадан узилиб тушган қўл, оёқ, бошқа организмларни жой-жойига улаб, микроҳужайралар фаолиятини қайта тиклаганларида ҳатто дунёнинг тиббиёт ривожланган мамлакатларидан келган ҳамкасбларимиз ҳам ҳайратдан лол қолгани эсимда.

Буларнинг бари тиббиётимиздаги чуқур ислоҳотлар, энг замонавий техник воситалар билан таъминланганлик ва юқори малакали мутахассислар тайёрланаётгани туфайлидир. Натижа ҳаммага аён. Халқнинг саломатлиги мустаҳкамланди, ўртача умр кўриш узайди. Бир гал муҳтарам Президентимиз рақамларни таҳлил қилар эканлар, ҳатто ёшларнинг бўйи аввалгига қараганда ўсганини айтгандилар.

Мустақиллик байрамидаги табрикда аҳолимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сўнгги йигирма йил давомида 67 ёшдан 73 ёшга етгани алоҳида таъкидланди. Шундай экан, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаётган, умрига умр қўшаётган Мустақиллигимизни қадрламоқ, авайлаб-асрамоқ ҳар биримизнинг бурчимиздир.

(Ўз мухбиримиз.)

2010 йил — Баркамол авлод йили

■ Кеча юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги ва янги ўқув йили муносабати билан байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги 86-мактабда янграган бу йилги биринчи қўнғироқ барча-барчага — жажжи қўлларида бежирим гулдасталар тутиб, катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган беғубор болажонларга, уларга оқ йўл тилаб кузатаётган азиз ота-оналарга, ўқувчиларни қучоқ очиб кутиб олаётган меҳрибон устозу мураббийларга олам-олам қувонч бахш этди.

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ

Мадҳиямиз садолари билан бошланган тадбир болажонларнинг ширин забонларидан янграган Ватан, Истиқлол, Ўзбекистон ҳақидаги ажойиб шеърларга, ҳар хил рақсу қўшиқларга, ўқувчилар иштирокидаги кўргазмали чиқишларга уланиб кетди.

— Ўтган йили мактабимизни тамомлаган 135 нафар ўқувчи бугун академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишларини давом эттиришмоқда, — дейди мактаб директори Ирина Пак. — Бу йил 1-синфга жами 150 та бола қабул қилинди. Ўйлайманки, улар ўз ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўша оладиган етук инсонлар бўлиб етишади. Уларнинг яхши таълим-тарбия олиши учун мактабимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда 46 та синф хонаси замонавий ўқув қуроллари, компьютер технологиялари билан жиҳозланган. Бундан ташқари, мактабимизда спорт зали, ахборот-ресурс маркази, 2 та махсус лаборатория мавжуд.

Биринчи қўнғироқ жаранглади. Кимдир илк бор синфхона билан танишди, кимдир эса яна қадрдон партасига ошиқди. Назаримда, қўнғироқ овози Мустақиллик фарзандларини, миллатимизнинг кейинги тақдирини белгилаб берувчи Истиқол ёшларини нурли келажак сари олға бошлагандек, гўё.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрами давом этаётган шу кунларда Тошкент вилояти Зангиота тумани Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида барпо этилган 315 ўринли янги замонавий мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

Болаларга байрам совғаси

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик ёшларнинг замонавий шарт-шароитда билим олиши, қобилияти ва салоҳиятини намоён этишида муҳим омил бўлмоқда. Баркамол авлод йилида эса давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларини такомиллаштириш, таълимга янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш қўлами янада кенгайиб бораётир.

— Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида жойларда жаҳон андозалари талабларига мос билим масканлари барпо этилмоқда, — дейди мазкур мактаб директори Вазира Сулаймонова. — Ўқувчиларимиз шу пайтгача анча узоқда жойлашган мактабда икки сменада ўқиб келаётган эди. Янги ўқув йилини янги мактабда, кенг ва ёруғ синфхоналарда кутиб олдик.

Л.СУВОНОВ, ЎзА мухбири.

КЕЛАЖАККА УМИД ВА ИШОНЧ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қўнғирот, Чимбой, Тахтакўпир ва Кегейли туманлари, Қозоғистоннинг Қизилўрда ва Манғистоғ вилоятлари билан туташ бу ҳудудда кейинги йилларда бекиёс ўзгаришлар юз бераётгани айни ҳақиқатдир.

Мўйноқликлар табиат инжиқликларига қарамай, Она Ватан ободлиги ва турмуш фаровонлиги йўлида астойдил ҳаракат қилгани бу заминга файз олиб кирганини ҳар қадамда ҳис этасиз.

1989 йили Ўзбекистоннинг янги раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримов дастлаб Оролбўйига, Мўйноққа ташриф буюрган, оғир экологик вазиятга қарамай, туғилган ерига меҳр қўйиб, уни яшнатиш йўлида заҳмат чекаётган одамлар билан учрашган, уларнинг дардига малҳам қўйиб, кўнглини кўтарган. Ўшанда у киши: **«Шу одамларнинг оғирини енгил қилсам, армоним қолмас эди!»**, деб ният қилган.

Озодликнинг курашларга бой ўтган вақти ичида Орол денгизи ҳавзасида, Мўйноқ туманида табиий ва турмуш шароитини яхшилаш мақсадида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари Ватан равнақи ва эл-юрт ободлиги йўлидаги чинакам ғамхўрлик намунасидир.

Бунинг бир мисоли сифатида шуни айтиш жоизки, туманда 22 та фермер хўжалиги бўлиб, улар турли соҳаларга ихтисослашган. Бу йил боғ-роғлар мўл ҳосил етиштирди, ҳатто биринчи бор экилган бўлса-да, картошкадан баракали ҳосил олинди. Туманда 2 та масъулияти чекланган жамият, 2 та муқобил машина трактор парки, 2 та сув истеъмолчилари уюшмаси, 3 та қишлоқ хўжалиги ширкати, 2 та қурилиш ташкилоти, шунингдек, 200 дан ортиқ кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатади. Яъни, Мўйноқ тумани тўлақонли тараққиёт йўлида.

Бу ерда ижтимоий дастурлар бўйича барпо этилган ва тубдан қайта таъмирланган 2 та шифохона, 1 та поликлиника, 9 та қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигига хизмат қилмоқда.

Қаранг, ўша олағовур замонда Орол денгизи ўз соҳилидан 250 километр нарига чекинган, шу боис, юзага келган оғир экологик вазият ва сув танқислиги муаммосини ҳал этиш, аҳолининг яшаш шароити ва турмуш даражасини ошириш учун кўпдан-кўп ишлар қилинди, айниқса, аслликни, набобот ва ҳайвонот оламини асраб қолиш борасидаги ишлар келажакка умид ва ишонч уйғотди.

Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси ёрдамида Орол денгизи атрофи ва Амударё қуйи оқимида кичик қўллар тизими яратилди, «Судочье» кўлининг 36 км узунликдаги айланма дамбаси, «Оққум» махсус сув ўтказгич иншооти, «Мўйноқ» кўлида 8,4 км узунликда дамба, шунингдек, секундига 10 м³, Мўйноқ каналида эса секундига 44,2 м³ сув ўтказиш қувватига эга махсус қурилмалар, «Жалтирбас» кўлини сув билан таъминлаб турувчи бош қурилманинг ишга туширилиши, денгизнинг қуриган ўрнида тўқай ва ўрмонлар, яшил ҳудудлар барпо этилиши экин майдонлари гидромелиоратив ҳолатини яхшилашга, табиий омиллардан унумли фойдаланишга имкон яратди.

Ҳа, денгизнинг қуриган тубида ҳар йили 7-8 минг гектар ерга саксовул ва қандим каби ўсимликлар экилиб, ўрмонлар барпо этилмоқда. Бу эса туманнинг табиий ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тиклаш йўлида муҳим қадам бўлаётир.

Айни вақтда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси тизимидаги корхоналар бу заминда геологик текширув ишлари олиб борди. Тадқиқотлар туман ҳудуди ерости қазилмаларга бой эканини кўрсатди. Бурғуланган етмишдан ортиқ қудуқда газ ва нефть захираси мавжуд экани ойдинлашди. Шу кунларда ҳам хорижий нефть-газ компаниялари тизимидаги инвесторлар консорциуми туманда геологик текшириш ишлари олиб бормоқда. Айни пайтда, Учсой, Урга ва Сургулдаги газ конларидан конденсат ажратиб олувчи учинчи сепаратор ишга туширилган. Узунлиги 63 километр бўлган газ узатгичлар «Бухоро-Урал» трансгаз қувурига бир кеча-кундузда 9,600 минг м³ газ ва 200 тонна газ конденсати етказиб бермоқда.

2009 йили туман ҳокимлиги ва «Микрокредитбанк» ОАТБ Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ташаббуси билан Мўйноқ қалъасида «Микрокредитбанк» филиали очилди. Бугун мана шу филиал ҳам аҳолининг маданий-маиший турмуш шароити яхшиланишига хизмат қилмоқда.



Мана шу хайрли ишлар, халқ хўжалигининг барча соҳасида олиб борилган ислоҳотлар Мўйноқда ҳаёт ўнгланишига замин яратди. Бу эса одамларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади, янги-янги ташаббусларга рағбат уйғотди. Туманда иқтисодий-ижтимоий соҳалар жадал ривожлана бошлади. Бугунги кунда бу ерда ҳар бир хонадон электр қуввати билан таъминланган, шунингдек, табиий газ ва тоза ичимлик суви кириб бормаган хонадон овлоқ қишлоқлар камдан-кам топилади.

Орол денгизи атрофидаги ички кўлларни қайта тиклаш орқали балиқчилик, қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ички кўлларнинг хўжаликларга узоқ муддатга ижарага берилиши балиқчилик саноатини қайта тиклашга пухта замин яратди. Шу кунларда балиқни қайта ишлаш цехи барпо этилмоқда. У ҳадемай ишга туширилади. Саноатни янада ривожлантириш учун минитехнологияга асосланган сут маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари қуриш кўзда тутилган.

Шуниси қувончлики, бу йил Мўйноқда ўзгача бир шиддат, қайноқ ҳаёт ҳукм сурмоқда. Биласиз, Амударё тўлиб оқмоқда. У Сирдарёнинг ўзанига қўшилиб, уч ойдан буён денгизга бориб қуйилмоқда. Эл-улусда: «Икки дарё қўшилса, денгиз тўлади», деган гап бор.

Мана шу умидбахш кайфият туман ҳаётига сурур ва жўшқинлик бағишлаган. Деҳқонлар, чорвадорлар ва боғбонлар ерни яшнатиш, ноз-неъматлар етиштириш, «Амударёбалиқ» ва «Қозоқдарёбалиқ» масъулияти чекланган жамиятлар аъзолари балиқ овлаш билан банд.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Мўйноқда ҳам униб-ўсаётган ёш авлод келажагига эътибор катта. Туманда барпо этилган саноат-транспорт ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежларида, Мўйноқ бизнес мактабида илмга чанқоқ ёшлар қатор замонавий мутахассислик бўйича таълим олмоқда.

Айниқса, аҳоли саломатлигини асраш, оналик ва болалик муҳофазаси бўйича кўламли ишлар қилинди. Йигирмадан зиёд замонавий тиббий муассаса аҳоли хизматида. «Саломатлик-1» Давлат дастурига биноан бир қатор ҚВПлар замонавий лаборатория жиҳозлари, физиотерапия ускуналари, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар билан таъминланди.

Учсой қишлоқ шифокорлик пункти билан Тўқмоқ ота фельдшер-акушерлик пунктида 23 миллион сўмлик йирик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. «Саломатлик-2», Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш дастурлари бўйича туман тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ бўлими энг замонавий тиббиёт ускуналари билан тўлиқ жиҳозланди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган хайрли ишлардан бири — ёшлар спорт билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилаётганидир. Шу мақсадда тумандаги 4 та мактабнинг спорт зали янгидан қурилди, 15 та мактаб спорт залида капитал таъмир ишлари амалга оширилди. Ёш авлодга мана шундай меҳрибонлик туфайли мўйноқлик ўқувчилар халқаро ва республика миқёсидаги спорт мусобақаларида муваффақият билан иштирок этишмоқда. Бир мисол, шу йил апрелда Мўйноқ қалъасида 1994-97 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича Қорақалпоғистон Республикаси биринчилиги ўтказилди. Унда Мўйноқ тумани ёшлари жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади...

Бугун росмана чирой очаётган Мўйноқ ҳақида сўз кетса, энг аввало, барча қийинчиликларни мардона енгиб ўтган, ўзи туғилиб ўсган заминга муҳаббат туфайли файз киритаётган матонатли инсонлар кўз олдимизда намоён бўлади. Улар юрт ободлиги йўлида биз билан елкадош.

Учқун НИҒМАТЖОНОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
Абдуҳаким САЛОҲИДДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Хориж

Касаллик қўзғатувчилар

парранда озуқасида экан

■ Ўтган ҳафта интернет сайтлари АҚШнинг озиқ-овқат ва дори-дармон сифатини назорат қилиш бошқармаси (FDA) мамлакатда сальмонеллез касаллиги тарқалишига сабаб бўлгани учун 550 миллион донадан ортиқ тухумни барча савдо шохобчаларидан йиғиштириб олаётгани ҳақида хабар тарқатган эди.

«Los Angeles Times» газетасида чоп этилган ахборотда қайд қилинишича, «FDA» бошқармаси мутахассислари касаллик энг кенг тарқалган Айова штатидаги «Wright County Egg» паррандачилик корхонасида касалликни келтириб чиқарган манбаларни аниқлаш учун текширув олиб бордилар ва шуни аниқладиларки, сальмонеллез касаллигининг қўзғатувчилари парранда озуқасида мавжуд экан. Энди тонна-тонна озуқани ё бутунлай йўқ қилиш керак ёки қайта ишловдан ўтказиш лозим.

Маълумки, жорий йилнинг июнь ойида айнан тухум истеъмолидан сўнг кишиларда сальмонеллез билан оғриш ҳолатлари кўпайган. Касалланиш даражаси 1 ҳафтада 200 кишигача етган. Американинг касалликлар профилактикаси ва назорати маркази маълумотларига кўра, АҚШда ҳафтасига 50 кишининг сальмонеллез билан касалланиши меъёрий ҳолат ҳисобланади.

Тахминан 400 йилдан кейин

Синабунг вулқони уйғонди

■ Индонезиянинг Суматра оролида «уйқудаги» Синабунг вулқони тахминан 400 йилдан кейин яна «уйғонди». Дастлабки дақиқаларданоқ бу табиат ҳодисаси хавфли тус ола бошлади: вулқон тутуни ва кули юзлаб метр юқорига отилди, қайноқ лава ҳам юзага чиқа бошлади. Бу эса 12 минг кишини ўз уйларини ташлаб хавфсиз жойларга кўчишга мажбур этди. Қутқарувчилар вулқон атрофидаги барча қишлоқлар аҳолисини кўчиришга муваффақ бўлди.

«BBC» хабар беришича, маҳаллий мутахассислар бу ҳудудда энг юқори даражали «қизил» хавф эълон қилдилар.

Маълумки, Индонезия «Тинч океани оловли доираси» деб номланувчи кучли тектоник синиқда жойлашган. Бу эса турли табиий офатлар, айниқса, хавфли ер ости силкинишлари ва вулқонлар юзага келишига замин яратади.

Ахборот агентлигининг эслатишича, Суматрада энг фожиали вулқон 1883 йил 26 августда отилган. Ушбу Кракатау вулқони бир куннинг ўзида вайронкорлик борасида унга тенг келадиган куч йўқлигини намоён этди. Вулқон икки бор портлашининг ўзида 18 куб километрдан ортиқ тоғ жинсларини атмосферага отган. Вулқон отилишидан ер силкиниши юзага келиб, денгизда улкан цунами қутурган ва Ява ҳамда Суматра ороллари қирғоқларидаги шаҳарлар саноқли дақиқаларда сув остида қолган. Ўшанда жуда кўп ороллар аҳолиси билан сув остига ғарқ бўлган. Шунчалар кучли цунами юзага келганки, унинг тўлқинлари бутун сайёрамиз денгиз ва океанлари бўйлаб тарқалган.

Маълумотларга қараганда, ўшанда Ява ва Суматра ороллaридаги 295 та шаҳар ҳамда аҳоли пунктлари ер юзидан ювилиб кетган, 36 мингдан ортиқ киши қурбон бўлган, юз минглаб аҳоли бошпанасиз қолган. Суматра ва Ява ороллари қирғоқлари таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Ернинг унумдор қатлами сувда ювилиб, замин тош қатламигача «сидириб» борган.

Орзуларим ушалаётганидан бахтиёрман

Мустақиллик — менинг тақдиримда

■ Мен туғилган қишлоқ туманимиз марказидан 40 км узоқда жойлашган. 2001 йили қишлоғимиздаги мактабнинг тўққизинчи синфини тамомлаганман. Болалигимдан тил билишга ва нуфузли олий ўқув юртида ўқишга қизиқардим, орзуларим ушалишини жуда-жуда истардим. Афсуски, ўқитувчилар йўқлиги туфайли биронта хорижий тил бўйича дарс ўтилмаганди. Лекин бакалавр дипломини Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан олдим.

Бу қандай рўй берди? Гап шундаки, юртимизда жадал давом этаётган таълим тизимидаги ислоҳотлар натижасида айнан 2001 йили академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари илк маротаба ўқувчиларни қабул қилди ва бундай бахтга мен ҳам сазовор бўлдим. Мен замон андозалари асосида қурилган, жиҳозланган, таълим-тарбия бериладиган Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги академик лицейда барча фанлар қатори чет тилини ҳам пухта ўргандим ва шу тариқа болалик орзуим рўёбга чиқди.

Қувонарлиси, таълим соҳасидаги бундай эзгу ишлар бугунги кунга келиб янада кенгроқ қулоч ёзди ва қўлами барча ҳудудларни қамраб олди. Фикримнинг тасдиғи сифатида қишлоғимиздаги мактабнинг тўла қайта қурилгани, замон талаблари асосида жиҳозлангани, барча фанлар, айниқса, инглиз тили ҳамда информатика фанлари чуқур ўқитилаётганини мисол келтираман. Шунингдек, қишлоғимизда бу йил касб-ҳунар коллежи қад ростлади. 350 ўринга мўлжалланган мазкур таълим маскани қишлоқдошларимга ўзига хос байрам туҳфаси бўлди. Энди укасингилларим шаҳарга бориб эмас, ота-оналарининг бағридан узоқлашмаган ҳолда энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган таълим маскани билим олишади. Бундай янгиланишлар, қишлоғимиздаги бунёдкорлик ишларига атрофлича тўхталадиган бўлсам, бутун бошли асар ёзиш мумкин.

Қишлоқ инфраструктурасидаги эврилишлар, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқлари чекка ҳудудларда ҳам борлиги ва улардан ўсиб келаётган авлоднинг унумли фойдаланаётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Бу ҳали биргина бизнинг қишлоқдаги манзара. Аслида, бундай бунёдкорлик ишлари бутун мамлакатимизда давом этаяпти.

Ғаллаорол туманининг чекка қишлоғида вояга етиб, Истиқлол йилларида ёшларга давлат миқёсида ғамхўрлик кўрсатилаётгани, уларнинг иқтидорлари бўй кўрсатишига барча шарт-шароитлари яратилаётгани учун Тошкентда таълим олдим. Эндиликда ЎзХДП Марказий кенгаши Матбуот хизматида ишлаяпман. Мен бугун болалик орзуларим ушалиши Ватанимиз Мустақиллиги туфайли бўлди, дея, қайта-қайта фахр-ифтихор билан таъкидлайман.

Алишер РАВШАНОВ

БЎЛАЖАК БОЖХОНАЧИЛАР ҚАСАМЁДИ

■ Мустақиллик байрами куни пойтахтимиздаги Марказий Осиёда ягона бўлган Олий Ҳарбий божхона институтида божхона иши ва юриспруденция мутахассисликлари бўйича Давлат тест-имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган тингловчиларнинг «Ҳарбий ва божхоначи қасамёди»ни қабул қилиш тантанали маросими бўлиб ўтди. Эрта тонгданоқ илм даргоҳи ҳовлиси тингловчилар, уларнинг ота-оналари, яқинлари, институт жамоаси ва тантанага ташриф буюрган меҳмонлар билан гавжум бўлди. Улар гувоҳлигида бу йил ўқишга кирган тингловчилар қасамёд қилишди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раиси Эркин Боқибоев, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов, Давлат божхона қўмитаси раиси Садирхон Носиров ва бошқалар, аввало, тингловчиларни олий таълим даргоҳига ўқишга кирганликлари билан қутлаб, уларга божхона хизматининг энг муҳим мезони — адолатли бўлиш, қонунларга оғишмай амал қилиш, божхоначилик касбининг сирларини чуқур эгаллаш йўлида муваффақият тилашди. Шунингдек, ҳар бир талаба халқимизга хос олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этиши зарурлигини алоҳида таъкидлашди.

— Мен ҳозир юртимиздаги энг бахтиёр оналардан бириман, — дейди Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидан келган Тожинор Бобоёрова. — Чунки бир эмас, икки ўғлим шу олий таълим даргоҳига ўқишга кирди. Уларнинг эгнида бугун тингловчилар ҳарбий кийимини кўриб, хурсандлигимдан кўз ёшларимни тўхтата олмаяпман. Ёшларимизга мана шундай имконият яратиб берганликлари учун барча ота-оналар номидан Юртбошимизга миннатдорлик билдирмоқчиман.

Онасининг шукроналик сўзларини мамнун эшитаётган Илҳомжон ва Ҳуснидин Пардаевлар билан суҳбатлашдик.

— Ўтган йили фанларга тайёргарлигим етарлича бўлмаганлиги учун ўқишга киролмагандим, — дейди Илҳомжон. — Бу йил укам билан шу институтга кириш учун олдинига вилоят божхона бошқармасидан жисмоний ва тиббий кўрикдан ўтдик. Қолаверса, махсус фанлардан жиддий тайёргарлик кўрганлигимиз боис ўқишга кирдик. Бугун илк талабалик кунимизда, ўзимиз ёшликдан орзу қилган «Ҳарбий ва божхоначи қасамёд»ини қабул қилишдек бахтга муяссар бўлдик. Бу қасамёд бизни бутун умр Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилишга, жонажон Ўзбекистонимизга муносиб офицер, етук божхоначи бўлиб етишишга ундаб туради.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

АНДИЖОН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФУТБОЛ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

Осиёда ягона ҳисобланади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Эртасини ўйлаган эл фарзанди дунёга келиши билан унинг келажакда ким бўлиши ҳақида қайғуради. Бу йўлда на молини, на жонини аямайди. Айниқса, бугунги таҳликали дунёда халқимизнинг мана шу болажонлиги бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

«Оммавий маданият» деган ёвузлик нафақат мамлакатларга, балки оилаларга кириб келиб, болаларимизни ўз домига тортишга зўр бериб уринаётган бир пайтда, биз бу иллатга қарши ўз амалий ишларимиз билан курашаяпмиз.

Футболни, спортни севган бола довюрак бўлади. Ватанпарварлик борасида ҳам ҳеч кимдан қолишмайди. Спорт инсонни нафақат жисмонан, балки маънавий жиҳатдан ҳам тарбиялайди, камолга етказади. Шунингдек, турли иллатлардан, ёт бузғунчи оқимлардан фарзандларимизни айнан спорт ҳимоя қилади. Спортни севган одам ҳаётни, Ватанни севади. Бундай кишилар ватанпарвар бўлиб вояга етади.

Тадбирнинг расмий қисми якунига етгач журналистлар учун матбуот анжумани ташкил этилди.

— Юртбошимиз жорий йилнинг май ойида Андижон вилоятига келганида ушбу даргоҳга ҳам ташриф буюрганди, — дейди вилоят ҳокими **Аҳмаджон УСМОНОВ.** — Ўшанда мактаб-интернатнинг ҳар бир хонасини кўздан кечириб, мураббийлар билан суҳбатлашиб, уларга ўз маслаҳатларини берганди.

Президентимиз бу каби иншоотларни мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида қуриш кераклигини таъкидлаш билан бирга, мазкур мактабнинг шароитларини янада яхшилаш юзасидан бизнинг олдимизга бир қатор вазифаларни қўйганди. Булар ёш футболчиларнинг бошқа фанлар бўйича ҳам яхши ўқишларини йўлга қўйиш, уларни мактабга қийналмай бориб-келишини таъминлашдир. Шу сабабли интернатдан 800 метр узоқликда жойлашган 31-мактаб танланди. Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан бу борада барча керакли ишлар қилинди. Чора-тадбирлар белгиланди. Болаларнинг мактабга бориб-келишлари учун тўртта автобус ажратилди. Уларнинг ўз вақтида мактабга бориб, асосий машғулотларга етиб келиши тўлиқ таъминланди. Юртбошимиз футбол майдонларининг сифати жаҳон талабларига жавоб берадиган даражада бўлиши кераклигини таъкидлаганди. Ўша вақтда иккита майдонимиз тайёр эди, эндиликда эса учта майдон тайёр ва мусобақаларни бемалол қабул қила олади. Ҳамма керакли жиҳозларни келтириб жойлаштирдик. Бу ерда болалар футболнинг барча сир-асрорларини ўрганишлари учун шарт-шароитлар яратилди. Улар учун футбол борасида амалий машғулотлар ўтказиш хоналари ҳам ишга туширилди. Кўриб турганингиздек, бугун ушбу мактаб-интернатни шай ҳолатда болаларимизга топширяяпмиз.

САВОЛ:

— Мираброр Зуфарович, Президентмизнинг Андижон шаҳрида футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисидаги қарорида бу ерда ишлайдиган мураббийлар ва чет эллик мутахассислар ўртасида ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, керак бўлса, улар иштирокида юртимизда ўқув машғулотлари ташкил этиш масаласи кўтарилганди. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

ЖАВОБ:

— Балки хабарингиз йўқдир, бу ўқув курслари аллақачон бошланди. Ва бу ерда ишлайдиган мураббийлар бизнинг алоҳида эътиборимизда турибди. Улар учун республика «Чиғатой» футбол мактабида ўқув курслари ташкил этилади. У ерда нафақат юртимизда фаолият юритаётган, балки чет элдан ташриф буюрган тажрибали футбол мутахассислари дарс ўтишади. Яна бир жиҳат, ҳар бир мураббийнинг лицензияси бўлиши шарт. Биз бу каби ўқув курсларини бир йилда тўрт марта ташкил этамиз. Бу курсларда нафақат мазкур мактаб-интернат ходимлари, балки мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан келган мураббийлар ҳам ўқишади. Лекин бу ерда ишлайдиган мураббийлар бошқалар каби йилига бир марта эмас, балки икки марта, керак бўлса, ундан ҳам кўпроқ ўқиш имконига эга бўлади.

САВОЛ:

— Ҳар қандай иш ҳам албатта маблағ билан боғлиқ. Бу мактаб-интернатнинг молиялаштирилиши қай тарзда амалга оширилади? Ҳомийлар борми?

ЖАВОБ:

Мактаб-интернатнинг асосий муассислари Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон футбол федерацияси ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, бошқа ташкилот ва корхоналар ҳам бу мактабнинг муассисларидан бири бўлиши мумкин. Бугунги кунга келиб бизнинг муассисларимиз сафидан «ЎзДонгЖУ» Лок-бўёқ заводи ҳам ўрин олди. Футбол ҳаракатдаги ўйин, биз ҳам бир жойда туриб қолишни хоҳламаймиз. Футбол федерацияси қишда ҳам болалар сифатли майдонда машғулот ўтказишларини инобатга олган ҳолда, улар учун сунъий қопламали майдон қуриб беришни ўз зиммасига олган. Бу ишга 150 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланади. Бу мактаб-интернат Андижонда биринчи очилди. Энди худди шундай интернатларни Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида ҳам очмоқчимиз.

САВОЛ:

— Мираброр Зуфарович, сиз кўплаб Осиё, жаҳон мамлакатларида бўлгансиз. У ердаги аҳвол билан биздаги шароитларни солиштирганда, қандай афзалликлар бор?

ЖАВОБ:

— Биласизми, гапимни қанақа тушуниш бу ўзингизга ҳавола. Мен Осиёда бундай мактабни кўрмаганман! Осиё мамлакатларининг кўпида бўлганман, гапимга ишонаверинг, Осиёда бунақа мактаблар ҳам йўқ. «Пахтакор», «Жар», «Насаф» каби стадионлар ҳам йўқ!

Матбуот анжуманидан сўнг футбол мутахассислари ва андижонликларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Бизнинг мактаб-интернатимиз 120 нафар болага мўлжалланган бўлиб, бу йил 96 нафар ёш футболчини қабул қилдик, — дейди Андижон шаҳридаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори **Зафар ЙЎЛДОШЕВ**. — Булар 1996, 1997, 1998, 1999, 2000 йилларда туғилган болалар. Уларни синов-имтиҳонлар асосида танлаб олдик. 5550 нафар бола бу ерда ўқиш истагини билдирганди. Уларнинг сонидан ҳам сезаётгандирсиз, танлов қанчалик оғир бўлганини. Биз уларни барча жабҳаларда синаб кўрган ҳолда қабул қилдик. Ҳар бир гуруҳда 24 тадан бола таълим олади. Болалар турар-жой билан таъминланган.

— Юртимизда шу каби футбол мактаблари қанча кўп очилса, футболимизнинг эртанги кунига шунча кўп ишончимиз ортади, — дейди «Пахтакор» клуби матбуот котиби, таниқли шарҳловчи **Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.** — Бу ерда менинг эътиборимни тортган энг асосий жиҳат — майдонлар сонининг кўплиги ва уларнинг турли хиллигидир. Масалан, баъзи жойларда ёш футболчилар катталар учун мўлжалланган майдонда ўйнашларига тўғри келади. Дарвозанинг, майдоннинг ўлчамлари катталар учун мослигича қолаверади. Бу ерда эса ўлчамлар турлича. 9-10 ёшлилар битта майдонда ўйнаса, 14-15 ёшлилар бошқа майдонда тўп суришади. Энди бу ердагилар бошқаларга ўхшаб «дарвозани кўтариб» юришмайди, алоҳида чизиқлар чизишмайди, байроқчаларнинг жойини суришмайди. Қаранг, шу даражада катта эътибор берилган.

— Мен 1999 йили туғилган болалар билан ишлайман, — дейди мактаб-интернат мураббийи **Баҳодир РАҲМОНОВ**. — Улар тўрт ой олдин водий бўйича ўтказилган мусобақаларда саралаб олинган. Яна шуни айтишим керакки, бизда танлов йил давомида тугамайди. Ҳозирги болалар билан савияси тенг ёки улардан устунлари ҳам чиқиб қолиши мумкин. Биз ҳар бир чоракда назорат олиб борамиз. Агар кимнингдир натижалари тушиб кетадиган бўлса, уни сафимиздан чиқарамиз ва ўрнига бошқа болани оламиз. Бу жараён йил бўйи давом этади.

— Мен 10 ёшимдан бери футбол билан шуғулланиб келяпман, — дейди мактаб-интернет ўқувчиси **Жаҳонгир АБДУСАЛОМОВ.** — Дастлаб туғилган туманим — Хонободда футбол сирларини ўргандим. Мана энди бу ерга қабул қилиндим. Марказий ҳимояда ўйнаганим боис Анзур Исмоилов, Ислом Тўхтахўжаев, Неманья Видич каби футболчиларга ҳавас қиламан ва келажакда худди улар каби кучли футболчи бўлмоқчиман.

— Мен олти ёшимдан бошлаб футбол тўгарагига қатнаша бошлаганман, — дейди мактаб-интернатнинг яна бир ўқувчиси **Асилбек АЗИЗОВ**. — Ўша пайтдан бошлаб ҳозиргача қанот ҳужумчиси бўлиб ўйнаб келяпман. Телевизор орқали машҳур футболчиларнинг ўйинини кўриб, улардан ҳар сафар янги усулларни ўрганиб, кейин ўзим ўша усулни амалда қўллаб кўришга ҳаракат қиламан. Келажакда юртимизнинг, жаҳоннинг кучли жамоаларида ўйнашни хоҳлайман. **Ўзим каби тенгдошларим номидан Президентимизни ишонтириб айтаманки, Андижон футбол мактабидан етишиб чиққан болалар, албатта, жаҳон майдонларида тўп суради. Жаҳон чемпионатларида иштирок этади.**

— Мен фарзандим Зайниддин Қўшқуватовнинг шу мактабга ўқишга кирганидан роса хурсанд бўлдим, — дейди **Зуҳра ҚОСИМОВА**. — Бу ерда яратилган шароит киши кўзини қувонтиради. Очилиш маросими ҳам юксак савияда ўтди. Президентимиз совғаси — автобус ва ёш футболчиларга спорт кийимлари топширилди. Мен фурсатдан фойдаланиб, бутун андижонликлар номидан муҳтарам Юртбошимизга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. У кишига минг раҳмат, болаларимизга шунчалик ғамхўрлик қиляпти. Фарзандларимиз ҳам ўзларига билдирилган юксак ишончни оқлашларига ишонаман.

Биз Андижон футбол мактаби тимсолида ўзбек футболини эртанги кунини кўрамиз. Ўзбек ўғлонлари футболда ҳам ҳеч кимдан кам эмасликларини намоён қиладилар.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янги икки қаватли талабалар турар-жойи

хоразмлик бўлғуси чемпионларга туҳфа этилди

Истиқлол йилларида юртимиз ёшларининг спортнинг барча турлари билан шуғулланишлари учун керакли шарт-шароитлар яратиб бериляпти.

Жумладан, Урганч шаҳрининг энг кўркам манзилида бундан беш йил муқаддам Олимпия захиралари коллежи иш бошлаганди. Ўтган давр мобайнида мазкур даргоҳда таълим-тарбия олаётган хоразмлик ёшлар бир қатор жаҳон, Осиё ва бошқа халқаро турнирларда қатнашиб, ғолиблик шоҳсупаларига кўтарилишди.

Коллежда вилоятнинг барча туманларидан спортга ҳавасманд ёшлар келиб таҳсил олишади. Бу талабаларни ётоқхона билан таъминлашни тақозо этарди. Шу мақсадда Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги тўйи арафасида коллеж ёнида 200 ўринли ётоқхона қуриб битказилиб, замонавий мебеллар билан жиҳозланди ва талабалар ихтиёрига топширилди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистонда истеъмол содасига талаб ҳамиша катта бўлган. Сабаби у юртимизга асосан хориждан келтирилар эди. «Фарғонаазот» АЖ мутахассислари бу масала устида изланиш олиб бордилар ва байрам арафасида халқ истеъмол моллари қаторида истеъмол содаси ишлаб чиқарила бошланди.

Истеъмол содаси ишлаб чиқарилмоқда

— Бунинг учун махсус цех қурдик, ускуна ва жиҳозларини ҳам шу ерда ўзимиз ясадик, — дейди корхона ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Адҳамжон Азларов. — Маҳсулот бир неча бор синовлардан ўтказилди ва унга тегишли тартибда мувофиқлик сертификати берилди. Дастлабки туркум истеъмол содаси Фарғона вилояти аҳолиси эҳтиёжи учун савдо дўконларига юборилди.

Ҳозирча истемол содаси цехи йилига минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаради. Кейинчалик унинг қувватини ошириш режалаштирилмоқда. «Фарғонаазот» АЖда мазкур тармоқ фаолият кўрсата бошлагач 36 та янги иш ўринлари очилди.

(Ўз мухбиримиз.)

Навоий шаҳридаги Алишер Навоий номли хиёбоннинг шундоққина ёнида Мустақиллик байрамининг 19 йиллиги арафасида 2400 томошабинга мўлжалланган замонавий ёзги амфитеатр биноси фойдаланишга топширилди.

Янги амфитеатр

Қиймати 2 миллиард 715 миллион сўмлик бу муҳташам маданият масканини «Темур Малик» масъулияти чекланган жамият қурувчилари бунёд этишди. Атиги 4 ой ичида қурилиши ниҳоясига етказилган бу мажмуага вилоятдаги гигант корхоналар «Навоий азот» ОАЖ, вилоят «Қишлоққурилиш», «Пахтасаноат», «Ғарбгазтаъминот», Навоий иссиқлик электр станцияси ва бошқалар ҳомийлик кўрсатишди.

Кўриниши ва қурилиши жиҳатидан пойтахтдаги марказий цирк майдонини эслатадиган бу дам олиш масканида илк бор Мустақиллик тантаналари бўлиб ўтди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти Каттаминг қишлоқ врачлик пункти мудири, олий тоифали шифокор

Бекназар ЭРНАЗАРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Сиз учун диққатга лойиқ **«МЎЪЖИЗА»** *омонатини таклиф этади.*

Омонатга маблағлар банкнинг барча муассасалари томонидан 6 ой муддатга йиллик 16 % миқдорида даромадлари билан бирга, омонатдаги маблағлар белгиланган муддат давомида сақлангандан сўнг, омонат қолдиғига 4 % бонус тариқасида қўшимча даромад тўланади.

ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензиялонган

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 225-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 225-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 235-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
7943 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 02.15
1 2 3 4
Sotuvda erkin narxda